


Куйидаги сўзларни мархамат килган Аллох таолога хамду-санолар бўлсин: «Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз килинганидек, сизларга хам рўза фарз килинди. Шоядки, такво килсангиз» (Бакара, 183).
Кадрли диндош ака-ука ва опа-сингиллар! Хар биримиз ўн бир ойдан бери орзикиб кутган муборак Рамазон ойи етиб келди. Ушбу киска маколада, аввало, менга, сўнгра диндошларимга эслатма бўлиб хизмат киладиган бир мавзуга тўхталиб ўтмокчиман.
Кўпчилик мусулмонлар бугун, афсуски, рўзадорнинг нима килиши кераклиги хакида нотўгри тушунчаларга эга. Улар пассив бўлиб, сўзнинг том маъносида ва мажозий маъносида уйкуга кетади. Аёллар куннинг асосий кисмини овкат пишириш ёки сериал томоша килишга сарфлашади, эркаклар эса ёки ухлайди, ёки вактини интернетда ўтказади.
Лекин бизнинг такводор аждодларимиз вактини бундай ўтказмасди. Аксинча, Рамазон уларнинг ижодий фаолиятини юксалтирарди, чунки овкатланиш ва ичишга сарфланиши

керак бўлмаган бўш вактнинг пайдо бўлиши ва рухий кўтаринкилик уларнинг Аллох йўлида янада кўпрок мехнат килишларига хисса кўшган.
Ушбу мухим хулосани аник фактлар билан тасдиклаш максадида сизларни мукаддас ойда бўлиб ўтган мухим тарихий вокеалар билан якиндан танишишга таклиф етаман.
Рамазон ойи давомида веб-сайтимизда жахон тарихининг янада ривожланишига таъсир кўрсатган ушбу ойнинг бир вокеасига багишланган материаллар бериб борилади. Биз шавкатли мусулмон кахрамонлар - Мусо ибн Нусайр, Тарик ибн Зияд, Тариф ибн Малик, Салахуддин ал-Айюбий, Сайфуддин Кутуз, Бейбарс, Носир Мухаммад ибн Калавун, Сулаймон Конуний ва Аллох Таолонинг ёрдами билан Рамазон ойида голиб бўлган бошкаларнинг ажойиб галабаларига гувох бўламиз. Солих аждодларимиз орасида Рамазон рухи мана шундай эди: атрофимиздаги дунёга - ички ёки ташки душман билан кураш бўладими, пассив эмас, фаол муносабат.
Мусулмон дунёси хар томондан тажовузга учраб, огир дамларни бошидан кечираётганига бугун барчамиз гувох бўлиб турибмиз. Шунинг учун бизнинг сайтимизда хикоя килинадиган Ислом умматининг кахрамонлари ва гурури факат ўтмиш мулкига айланмаслиги керак. Рўзамиз факат озик-овкат ва ичимликдан оддий сакланишдан иборат бўлиб колмаслигини истаганимиз каби, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ва унинг сахобалари изидан борадиган янги авлодни тарбиялаш учун кўлдан келган барча ишни килишимиз керак.
Шунинг учун хар сафар Рамазон ойида бўлиб ўтган яна бир вокеа хакида ўкиганингизда, хар бирингиз Ислом буюклиги учун жонини хам аямаган хикояларимиз кахрамонларини дуо килинг, хозирги мусулмонлар учун хам Аллохга юзланинг, чунки сахих хадисдан биламизки, рўзадорнинг дуоси Аллох томонидан рад этилмайди. Хар биримиз мулохаза килайлик: ер юзида Аллох динининг зафари учун нима килмокдамиз?!